ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

Қишлоқ ҳаёти

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1996 йил 16 апрель СЕШАНБА № 29 (5.701) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам дипломатия миссияларининг бошлиқлари,

Халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари,

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари,

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан яна учрашиб турганимдан, сизлар бундай мунтазам учрашувлар анъанасини қуллаб-қувватлаётганингизгидан хурсандман.

Сизлар Узбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини диққат билан кузатиб турибсиз, демак, ҳукумат мажлисларидаги, ваколатли органлар депутатлари ҳузуридаги сўнгги нутқларимдан хабардорсиз.

Анъанага мувофиқ, Узбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши хусусида фикрларимни баён қилишга ижозат бергайсиз.

Шу йилнинг бошланишида, январь ойида Россия Президенти **Б. Ельцин** билан учрашувимизда Узбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик муносабатлари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг февралида ташқи ишлар вазири **Е. Примаков** расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалалар, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль ойида мамлакатимизнинг катта делегацияси Давосда ҳар йили ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида тўртинчи марта иштирок этди. Унда иштирок этиш анжуман аҳлини Узбекистон ва унинг салоҳияти билан таништиришда, хориждан сармояларни жалб этишда катта аҳамиятга эга. Давосдаги бу галги учрашувда ҳам шундай бўлди.

Швейцарияда давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро молия ташкилотларининг, йирик банклар ва компаниялар-нинг раҳбарлари билан бир неча бор учрашдик.

Давосда Европа Ҳамжамияти Комиссиясининг комиссари **Ханс Ван Ден Брук** билан қилган суҳбатимиз яқинда Узбекистон диёрида давом этди. Европа Иттифоқининг Европа Ҳамжамияти Комиссиясининг ташқи сиёсий алоқалари билан шуғулланувчи раҳбарларидан бирининг ташрифини мен Европа Иттифоқи Узбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни қуллаб-қувватлаётганининг, узаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга тайёрлигининг далили деб биламан.

Февраль ойида Европа Иттифоқи Кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан музокара бошлашга қарор қилди. Музокаранинг биринчи босқичи март ойида Брюсселда муваффақиятли ўтди. Апрелнинг охиригача битим матни тасдиқланади ва шу ярим йилликда имзоланади деб, умид қиламиз.

Бу ҳужжат ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичини бошлаб беради, Узбекистон билан Европа Иттифоқи ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасидаги узаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этади.

Бу битим Ўзбекистоннинг халқаро савдо ташкилотига қўшилиш учун тайёргарлигини тезлаштиради, фақат иқтисодий, илмий-техника, маданий алоқалар учунгина кенг имкониятлар яратибгина қолмай, Европа Иттифоқи билан мунтазам сиёсий мулоқот учун ташкилий замин яратади, деб умид қиламиз.

Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик икки томонлама асосда ҳам ривожланмоқда.

Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазири **М. Рифкинд**нинг ташрифи чоғида Узбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош котиби **Б. Дюфурк** билан суҳбат савдо-иқтисодий, маданий соҳаларда бўлгани каби, сиёсий соҳаларда ҳам, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Осиё мамлакатлари билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон-Япония муносабатлари юксалиб бормоқда. Бу ҳамкорлик ижтимоий соҳа, Узбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларига Японияннинг катта сармоялар киритиши билангина чекланиб қолмайди.

Сўнгги вақтда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда — хавфсиз ва барқарор тинчликка эришишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида ўзининг манфаатдорлик билан фаол иштирок этишини кўрсатди.

Март ойининг охирида Ўзбекистон Республикаси делегацияси Вьетнамга расмий ташриф буюрди. Биз бу мамлакат раҳбарияти билан маҳаллий ва халқаро муаммоларни, сармоялардан тортиб туризмгача бўлган турли соҳаларда ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилдик.

Узаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини таъминлайдиган бир қанча муҳим ҳужжатларни имзоладик.

Сайёрамизнинг турли томонларида Узбекистоннинг ишончли ва манфаатдор шериклари мавжудлиги мени қувонтиради. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Бугун эса яна бир мамлакат — Бангладеш Тошкентда элчихона очиш истагини биллирганини сизларга айтиш менга мамнуният бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар,

Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан ва мунтазам ривожланиб бормоқда.

МДҲ мамлакатларида АҚШ сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси **Ж. Коллинз** иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган сўнгги Узбекистон-Америка сиёсий маслаҳатлашувларида 1996 йил аввало минтақа хавфсизлиги соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши лозимлиги таъкидланди.

Америка томони АҚШ Узбекистонга нисбатан ўз сиёсатини **«хавфсизлиги таъминланган мустақил Ўзбекистон»**ни барпо этишни қуллаб-қувватлайдиган тарзда қуришини баён қилди.

Бугун НАТО каби ўзига хос ташкилотда ҳам мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида гапириш мумкин. Биз «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирок этишни ўз мустақиллигимиз ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан баҳолаймиз.

АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили **Р. Хантер**нинг мамлакатимизга яқинда қилган ташрифи жаҳон ва минтақа хавфсизлиги муаммолари бўйича фикрларимиз ўхшашлигини яна бир бор намойиш қилди. Узбекистоннинг салоҳиятини минтақадаги барқарорлаштирувчи омил деб ҳисоблаётган АҚШнинг нуқтаи назарига биз тўла қўшиламиз.

Йилнинг бошида қўшни мамлакатлар билан дипломатик мулоқотларимиз янада фаоллашди.

Февраль-март ойларида Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлари Тошкентга ташриф буюрди.

Бу ташрифлар чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалаларидан ташқари, Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятни бартараф этиш билан боғлиқ равишда минтақа хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди.

Жаҳон ҳамжамияти афғон можаросини бартараф этиш юзасидан фаолроқ чоралар кўриш зарурлигини тобора кўпроқ англаб етаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Бундай чоралар кўриш тўғрисида мен БМТ Бош Ассамблеясининг 48-, 50-сессияларида гапирган эдим. **Европа парламентининг шу йил 18 январдаги резолюцияси ва Европа Иттифоқининг 14 мартдаги баёноти можаро зонасига қуроляроғ етказиб беришни тақиқлаш ғоясини қўллаб-қувватлайди.**

Яқинда Афғонистон тевараги-дагги вазият Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўриб чиқилди. Бу ҳол жафокаш Афғонистон диёрида хунрезлик тўхтатилишига, можарони тинч йўл билан бартараф этиш жараёни ҳақиқатда бошланишига умид бахш этади.

Мен бир неча бор таъкидлаганимдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирок этмаса, мулоқот йўли билан можароларни тўхтатишнинг синовдан ўтган механизмларидан фойдаланилмаса, узаро мақбул қарорлар, узаро ён босишлар ва оқилона муросаю мадора йўллари изланмаса, бу жараён бошланмайди.

Ишончим комилки, бу масалалар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан 23 апрелда Тошкентда бошланадиган **«Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақа талаблари»** симпозиумининг кун тартибида акс этади.

Хонимлар ва жаноблар,

ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина эмас, балки иқтисодий, маданий ҳамкорликни ҳам кўзда тутади. Зе-

(Давоми 2- бетда).

Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги миришкорлари чигит экиш ишларини сифатли адо этишаяпти. Пахта етиштиришга мўлжалланган 1400 гектар ернинг асосий қисмига уруғлик қадаб бўлинди. Ҳар гектар майдондан 27 центнердан ошириб оқ олтин йиғиштириб олиш хўжалик пахтакорларининг эзгу орзусидир. Бунга етишиш учун ҳаракат шу кунларданоқ қизғин тус олмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Экиш пайти. 2. Моҳир тракторчи Пўлат Аҳмедов. 3. Тажрибали пахтакор Саломат Умерова.

Т. МАҲКАМЗОДА олган суратлар.

Шу сонга хабар

ҒЎЗА БЎЙ КЎРСАТДИ

Маълумки, бу йил кўклам оллинги йиллардагига қараганда бироз совуқ келди. Натижада баҳорги экиш ишлари бирмунча кечикди. Заҳматкаш деҳқон қатор қийинчиликларни енгишга тўғри келаётир.

Шунга қарамай, экиш мавсумини уюшқоқлик билан утказган Бандихон тумани пахтакорлари уруғликни бир текис ундириб ола бошладилар. Бу борадаги ишлар, айниқса, «Дўстлик» жамоа хўжалигида ибратли. Мавжуд 720 гектар майдоннинг қарийб ҳаммасида ғўза бўй кўрсатди, қолган майдонлардаги уруғликни ҳам бир текис ундириб олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Шунингдек, дастлабки ишловга ҳам қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Айниқса, бу йилги шароитда агротехника тадбирларини вақтида ва сифатли ўтказиш жуда муҳимдир. Бу эса ҳосилни кўзланган муддатда етиштириш имконини беради.

Утган йили пахтачиликда қувончли ютуқларни қўлга киритган Сариосиё тумани заршунослари ҳам биринчилар қатори чигит экишни тугатдилар. Мавжуд 5215 гектар ерга пахтанинг «Наманган-77» нави жойлаштирилди. Салкам 300 гектар жойга тажриба сифатида «Фарғона-3» нави қадалди.

—Ҳар гектар ердан 35 центнердан хом ашё йиғиштириб 16700 тонналик хирмон бунёд этишни ният қилганмиз,- дейди Сариосиё тумани ҳокимининг биринчи муовини Саъдулла Асадов. —Экиш ишлари И.Диёров номли, Г. Хидиров номли, «Дашнобод», «Токчиён» ва бошқа хўжаликларда сифатли ўтказилди. Айни кунларда асосий эътиборни ниҳолларни бир текис ундириб олиб, дастлабки ишловни бошлаб юборишга қаратганмиз.

Дарҳақиқат, туман хўжаликларидан чигит униб чиққани ҳақида хушхабарлар кела бошлади. Яқин кунларда парвариш ишларига ялпи киришилади.

Р.БОБОМУҲАМЕДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

МАҚСАДЛАРИ УЛУҒВОР

Пахта — юртимиз бойлиги, халқимиз ифтихори. Республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг барқарорлашуви, қолаверса, жаҳонга юз тутишимизда унинг ўрни беқиёс. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармоннинг айни экиш олдидан қабул қилинганлиги ҳам соҳа истиқболини юксалтиришга, деҳқон манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мирзачўл тумани миришкорлари ҳам баҳорнинг илк кунларданоқ ерга барака уруғи қадашни вилоятда биринчилар қаторида бошлаб юбордилар. Чўл шароити, об-ҳавонинг инжиқликларига қарамай, мавжуд хўжаликларда чигит экиш ишлари қизғин тус олган.

— Вақт қадрини билган ҳақиқий деҳқон ундан унумли фойдаланишяпти,-дейди туман ҳокимининг муовини Абдужалил Алиқулов. — Утган йили айрим жамоа хўжаликларида шароитни баҳона қилишиб, маррани уддалай олишмаганди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ушанда баҳорнинг илк кунларидан лоқайдлик қилинган. Ҳозир хўжаликларга тегишли ердам бериляпти. Республикамиз Президентининг фармонлари миришкорларимизни руҳлантириб, ишчанликка даъват этмоқда.

Хўжаликларда баракали меҳнатга шарт-шароитнинг яратилганлиги туфайли бир кунда 925 гектар, мавсум бошидан буён эса 3621 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Туман миришкорлари 13.800 гектар майдонга ўн кунда сифатли қилиб чигит экишни якунлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Яхши ният — ярим давлат. Мавсум ишларининг сифатли бажарилишида техника воситаларидан унумли фойдаланиш муҳимдир. Бу ерлаги мавжуд 103 та экиш агрегати тўла қувват билан ишлатилаётир.

Туманда ҳар йилгидек «Мавсумнинг илғор хўжаликлари» танлови йўлга қўйилган. Абай номли, С. Сегизбоев номли жамоа хўжаликлари чигит экишда пешқадамлик қилишмоқда.

— Хўжалигимизда экиш ишлари қизғин паллада, — дейди С. Сегизбоев номли жамоа хўжалиги бош агрономи Салоҳиддин Ҳамидов. — Бу йил асосан «Боёвут-2» ҳамда тажриба тарақасида 100 гектар маданга «Фарғона-3» навини экяпмиз. Агротехник қоидаларига қатъий риоя қилиняпти.

Бугун далалар уйғоқ, деҳқон ишлари қайноқ. Улуғ истиқлолимизнинг беш йиллигида улкан хирмонларга замин яратилмоқда. Мирзачўллик миришкорлар ҳам ана шу бунёдкорлар safida илдам одимламоқдалар.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бу йил Фарғона вилоятида 127 минг гектар майдонга чигит экилади. Айни пайтда сара уруғни ерга ташлаш Олтиариқ, Бувайда, Учқуприк, Тошлоқ, Риштон, Фарғона туманларида қизғин боряпти. Ҳозиргача йигирма минг гектардан зиёд ерга чигит экилди. Ута масъулиятли ва долзарб ишга уруғлик етказиб берувчи пахта заводлари ҳамда тайёрлов пунктларининг жамоалари яқиндан кўмаклашмоқдалар. Вилоятда беш жойда чигитни дорилаб, намлаб, тайёрлаб берадиган пунктлар ишлаб турибди.

КЎМАКДОШЛАР

Риштон, Фарғона, Олтиариқ туманларига чигитни дорилаб бераётган Т. Аҳмедов номли пахта пунктида бўлдик. Уруғлик Фарғона, Қўқон-2, Боғдод, Олтиариқ пахта заводларидан ташиб келтирилмоқда. «Фарғона-3», «Тошкент-6» навлари махсус агрегат ёрдамида дориланиб далаларга жўнатилаяпти. Смена устаси Уктам Хужақулов бошлиқ ишчилар ҳар куни 35-40 тонна чигитни дорилаб экишга ҳозирламоқдалар. Бу ута масъулиятли вазифани Валижон Исаев, Исломжон Мирзараҳимов, Султонали Дўланов, Муроджон Миролимов сингари тажрибали ишчилар сифатли адо этишмоқда. Уруғликни бехато, зарарсиз, тез униб чиқиши, жумладан, уларнинг ҳам меҳнати туфайлидир.

М. РАҲИМОВ.

ФРАНЦИЯГА ТАШРИФ

Келишувга мувофиқ Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 21-24 апрелда Франция Республикасига ташриф буюради. Сафар давомида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикаси Президенти Жак Ширак ва бошқа расмий шахслар билан учрашади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори Федерико Майорнинг таклифига биноан, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «ЮНЕСКО» ижроия кенгашининг сессияси ишида ва Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маъорифнинг гуллаб-яшнаши» деб аталган Узбекистон ҳафталигининг очилиш маросимида иштирок этади.

НАВБАТ — ПАРВАРИШГА

Ҳамза номли ширкатлар уюшмаси пахтакорлари Сирдарё вилоятида биринчилар қаторида чигит экишни бошлаб юборишганди. Пахта етиштиришга ажратилган 1800 гектар ернинг ҳаммасига «АН-Боёвут» нави экилди.

— Утган йили кеч кузда 1000 гектар ерни пуштага экишга ҳозирлаб қўйган эдик, — дейди хўжалик раҳбари, уста пахтакор Примқул Соибназаров. — Экиш ишларини шу майдонлардан бошладик. Илғор бригада бошлиқлари Абдурауф Абдусатторов, Муртозхон Аҳмедов, Шавкат Эсонов далаларида меҳнат кўтаринкилиги авжида. Уларнинг нияти мустақиллигимизнинг беш йиллигини муносиб кутиб олиб, ҳар гектар пахтазордан 30 центнердан ошириб ҳосил олишдир.

Шунингдек, уюшманинг 1998 гектар майдонида ғалла парваришланмоқда. Экинзорлар ўғитланди ва қондириб суғорилди. 4100 тонна ғалла етиштириб унинг ярмини давлатга топширишга аҳд қилган хўжалик ғаллакорлари парваришни уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Р. АБДУЛҲАЕВ, Меҳнатобод тумани.

ЮҚОРИ СУРЪАТДА

Туманнинг азамат пахтакорлари чигит экиш мавсумини муваффақиятли якунлаш учун кун сайин фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу йил бўкаликлар 17 минг гектар майдонда оқ олтин етиштиришади. Кузда сифатли ҳайдалиб, ўғитга тўйинтирилган ерларга «Фарғона-3», С-6524 навли уруғ қадалмоқда.

Ҳозирги кунда Бўка тумани далаларида 183 та экиш агрегати жавлон уриб, ҳар бир сеялканинг кунлик унумдорлиги 11 гектарни ташкил этяпти. Кунига ўртача 2 минг гектар ерга барака уруғи ташланаяпти.

Далада ишлаётганларга барча шарт-шароит муҳайё этилган. Мавсум ғолиблари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилаяпти. Баҳорги юмушлар, айниқса Саидраҳим Саймоқов номли, Йўлдош Ҳожиматов номли, Ғаффор Азаматов номли хўжаликларда юқори суръатда олиб борилмоқда. Улар ҳозирги ғанимат дамларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, экиш ишларини жадал олиб боришаяпти.

— Биз пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар юртбошимизнинг жамоа хўжаликларини моддий ва маънавий қуллаб-қувватлашларига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида кўтаринки руҳда меҳнат қилаяпмиз, — дейди туман агрохизмат уюшмаси раиси Ғофир Ботиров. — Эндиги асосий вазифамиз экилган уруғни бир текис ундириб олиб, биринчи ишлов беришни бошлаб юборишдир.

Э. ТЎЛАГАНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ро ушбу жиҳатлар минтақамиз, қолаверса, бутун сайёрамиз — умумий хонадонимиз тинчлиги ва гуллаб-яшнашида муҳим ўрин эгаллайди.

12 январда Қозоғистоннинг Кўкчатов вилоятида Қозоғистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёда интеграция дастури қандай бажарилаётгани тўғрисида фикрлашиб олинди.

Президент **С. Ниёзов** таклифига биноан 16 январда менинг Туркманистонга амалий ташрифим амалга ошди. Учрашув чоғида 21 та давлатлараро ва ҳукумат-лараро битимлар имзоланди. Бу битимлар транспорт коммуникацияси ва алоқа, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, энергетика, банклараро ҳисоб-китоблар, бож тартиби, фан ва маданият каби соҳаларни ўз ичига олади.

Асосий ҳужжат — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида давлатлараро шартнома ҳам имзоланди.

5 апрель куни Тошкентда ягона иқтисодий макон барпо этиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Узбекистон Бош вазирлари транспорт ва коммуникация соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш, ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан, шунингдек, газ қувурларидан фойдаланиш, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний тарзда айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш, «Центразэлектрон» трансмиллий молия-саноат гуруҳини тузиш, ернинг давлатлараро ижараси ва бошқа масалалар бўйича ўндан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Россия Давлат Думасининг анчагина шов-шувга сабаб бўлган қарор қабул қилгани, Тўртлар (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия) шартномаси ҳамда Иккилар (Россия ва Белоруссия) шартномаси имзоланганига ҳам анча бўлиб қолди.

Матбуотимиз саҳифаларида, телевидениеда бугунги кунга қадар бу ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этмоқда. Узбекистон аҳолисининг собиқ совет ҳудудидаги «интеграция» деб номланган бу жараёнга муносабати баён қилинмоқда.

Бугун Узбекистон раҳбарияти илгари бу жараёнлар ва имзоланган ҳужжатларга нисбатан билдирган муносабатини жамоатчилик ва Узбекистон аҳолисининг мутлақ кўп қисми қўллаб-қувватлаяпти, деб айтишга тўла асосимиз бор.

Мен парламентимиз — Олий Мажлис қўмиталарининг баёнотини, Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотини, Хоразмда сўзлаган нутқимни, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатим ва бошқа воқеаларни ҳам назарда тутяпман.

Шуниси диққатга сазоворки, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, турли миллат ва эътиқодга мансуб кишилар бир хил фикр билдирмоқда.

Бу ерда шуни таъкидламоқчиман: собиқ совет ҳудудида интеграция масалалари бўйича юз бераётган воқеалар, шу муносабат билан имзоланган ҳужжатлар — ҳар бир алоҳида давлат ва унинг раҳбарлик тузилмаларининг ҳуқуқи ва ички ишидир.

Ҳар бир давлат ва унинг раҳбарлари энг аввало ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ҳужжат ва давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга.

Бироқ ҳозир масала мана бундай қўйилган: Ўзбекистон учун бу шартнома ва ҳужжатлар мақбулми, Ўзбекистон бу шартномаларга қўшилиши мумкинми ёки йўқми? Бунинг устига, қатъийлик билан бизни ҳамжамият ёки интеграциялашган давлатлар иттифоқи деб аталмиш уюшмаларни тузиш ҳақидаги ҳужжатларни имзолашга таклиф этишмоқда, гоҳида эса — бу нарса Ўзбекистонга фойдалими-йўқми эканини биз учун ўзлари ҳал қилишмоқда.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон учун бундай иттифоқлар ёки ҳамдўстликлар мутлақо мақбул эмаслигини айтиб ўтишни истар эдим.

Шартномалар имзоланганидан кейинги эҳтиросларга ва сарҳушлиқ ҳолати бироз пасайган, ниҳоят расмий материаллар ва кўп сонли баёнотлар билан қандайдир даражада танишиш имконияти пайдо бўлган бугунги кунда муаллифлар тилга олинган битимларнинг имзоланишига асос қилиб кўрсатаётган айрим **принципиал ҳолатлар**, яъники зикр этилган шартномалар фалсафаси қурилган пойдевор хусусидаги мулоҳазаларим ҳамда муносабатимни баён қилишни истар эдим.

Асосий ҳужжат — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида давлатлараро шартнома ҳам имзоланди.

Тўғри, шу пайтга қадар ҳам Белоруссия билан Россия ўртасидаги шартнома сўнгги таҳрирда қандай аталгани — Россия билан Белоруссия ўртасидаги ҳамдўстлик ҳақидаги шартнома дейилганми, ёки унга имзо чекиш пайтида баландпарвозлик билан баён қилинганидек — суверен республикалар ҳамдўстлиги ҳақидаги шартнома деб, бошқача айтганда — ССР, яъни айрим муаллифларнинг қалбидан чуқур ўрин олган жарангдор СССР деган номга ўхшаш ном билан аталганми — бирон нарса дейиш қийин.

Мен ҳалиям дастлаб бу янги давлатлараро уюшманинг ягона герби, байроғи ва гимни бўлиши, вақти келиб ягона Конституция қабул қилиниши ҳақида гап бўлганини айтиб ўтирмайман.

Шу билан бирга, ном — шунчаки ном эканини англаган ҳолда, мен қабул қилинган шартномалар моҳиятига оид принципиал ўринлар — тилга олинган шартномалар фойдасига хизмат қилиши лозим бўлган далилдастакларга тўхталмоқчи эдим.

Биринчи далил. МДҲ бугунги ҳолида талабга жавоб бермайди (лекин кимнинг талабига?), бу мўрт уюшма ҳеч нарсани ҳал қилмайди ҳамда у қабул қилган қарорлар амалда бажарилмаяпти, деб таъкидланди.

Ҳа, бу мулоҳазаларда ҳам жон бор.

Бироқ ҳақиқатан ҳам МДҲ доирасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайдиган механизмларни астойдил излаш, давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни аниқ ва муайян мазмун билан бойитиш ўрнига, бизда кўпинча эски замонларни қўмсаш намоён бўлмоқда. Бугунги кўпгина раҳбарларнинг ўтмиш совет тарбияси ўз кучини кўрсатяпти, шекилли. Собиқ Иттифоқнинг улкан ҳудудидаги ҳамма нарсани: аҳоҳорга оддийгина кўприк қуриш ёки 50 ўринли болалар боғчасини қуришдан тортиб, улкан саноат иншоотлари — БелАЗ, КамАЗ, БАМ, Тольяттидаги улкан автомобиль заводини қуришгача бўлган ҳамма масала марказнинг ўзида туриб ечилган пайтдаги тартиблар уларнинг онгига чуқур ўрнашиб қолган.

Нима учундир, агар бирор давлатлараро бирлашма тузиладиган бўлса, у албатта амалдорларнинг катта штатига эга бўлган парламент, қонунчилик, ижроия-мувофиқлаштириш ёки Олий Кенгаш, Ижроия Қўмитаси ёки маъмурий қўмитаси, бирлашган ҳарбий-сиёсий тузилмалар ва шунга ўхшаш давлатдан юқори турадиган тузилмалар бўлиши лозим деб ҳисоблашади.

Давлат бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари ва МДҲ бошқа тузилмалари бошлиқларининг сўнгги мажлислари қун тартибига эътибор берсангиз бир тамойил кўзга яққол ташланиши тасодиф эмас: иқтисодий ва ижтимоий интеграциянинг етилган муаммоларини ҳарбий-сиёсий масалалар, бирлашган қўмондонлик тузиш, чегараларни биргаликда қўриқлаш каби ва бошқа масалалар билан алмаштиришга ҳаракат қилинади. Бунда муайян тамойил кўриниб турибди.

Бироқ барчага равшан бўлиши лозимки, ташкил этиладиган ҳамжамиятларда бевосита амал қиладиган, яъни барча органлар ва ташкилотлар бажариши мажбур бўлган қарорларни шартномада иштирок этувчи ҳар бир мамлакатнинг тегишли органларини четлаб ўтиб қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлатдан юқори турувчи тузилмалар ташкил этилган тақдирда, бу давлатларни мустақил давлат дейиш қийин бўлади.

У ҳолда бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) бўлмайди. У ҳолда бу Ҳамдўстликни ҳар бир давлат ўз мустақиллигининг бир қисмидан воз кечиши лозим бўлган қарам давлатларнинг ҳамжамияти деб аташ керак.

Узининг ваколатли ва сайлаб қўйилган қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳарбий-сиёсий ва суд органлари билан бирга алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ҳамжамиятнинг янги тузилган давлатдан юқори турувчи тузилмалари билан алоқасини рамзий тилда айтганда бир-бирига туташ томирлар каби тасаввур этиш мумкин. Ҳамжамиятнинг давлатдан юқори турувчи тузилмаси ўзига қанча ваколат талаб қилса, ҳозир мустақил бўлиб турган ҳар бир давлат шунча ваколати ва ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Давлатдан юқори турадиган тузилмалар билан биргаликда ҳамжамият унда иштирок этувчи ҳар бир мамлакат истиқлолини ёки мустақиллигини тўла сақлаб қолган ҳолда тузилади, деб бизни ишонтиришга уриниш жиддий гап эмас. Буларнинг барчаси ҳамма нарсага ишонаверадиган кишиларга мулжалланган.

Яна бир фикр: МДҲнинг тасдиқланган низоми доирасида (дарвоқе, нима учундир бу ҳақда гапирилмайди ва эслатилмайди) иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқурлаштиришимизни, маърифий туловлар масалаларини ҳал қилишимизни, ижтимоий интеграция йўлидаги тусиқларни олиб ташлашимизни ҳеч ким тақиқламайди. Бунинг учун аввало, жўғрофий-сиёсий тусдаги шартномаларни имзолаш шарт эмас.

Ҳозирги пайтда турли мустақил давлатларда яшаётган одамларнинг мулоқоти қийинлашган экан, бунинг сабаби кимнингдир сунъий ғовларни барпо этаётганида эмас. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги транспорт тарифлари ва йўл харажатларининг қиймати Россия миқёсининг ўзида ҳам ҳар кимга бир йилда бир марта ўз қариндошларини бориб кўришга, айтайлик, Москвадан Сибирь ёки Узоқ Шарқ шаҳарларига етиб олишга имкон бераверамайди.

«Теран интеграция» деб аталган интеграция муаллифлари ва ташаббускорлари пеш қилаётган **иккинчи далил.** Юз берган танглик вазиятининг, одамлар ночор аҳволга тушиб қолганининг асосий сабаби, асосий иллат бир вақтлар қудратли бўлган Иттифоқ республикалари ўртасидаги иқтисодий ва ҳўжалик алоқаларининг узилиб қолганидадир, деб ҳаммани ишонтиришга уринишмоқда. Бу ҳам етмаганидек, ҳўжалик алоқаларининг узилиб қолиши сабабли ишлаб чиқариш қайси республикада қанча камайиб кетганини ҳисоблаб чиқишга ҳам уринишмоқда.

Айни пайтда тушунмаган ва бехабар одамларни эртага ана шу алоқалар тикланса, ҳамма жойда тартиб бўлади, корхоналар, фабрикалар ва заводлар яна ишлай бошлайди деб, ишонтиришмоқда.

Бу собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида бошланган бўҳроннинг ҳақиқий сабабларидан одамларни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирги кунда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар иқтисодиётидаги таназзулнинг асосий сабаби, аввало умри тугаган тоталитар мафкурани маъмурий-буйруқбозлик ва марказдан тақсимлаш тизумининг бузиб ташланиб, янги бозор муносабатларига ҳозир бутун дунёда амал қилинаётган эркин иқтисодиётга ўтиш эканлиги соғлом фикрловчи ҳар бир кишига равшандир.

Ҳозир Россиянинг ўзидаги кўплаб корхоналар ночор аҳволда бўлиб, деярли ишламаётганини ҳам фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг аксарияти бугунги кундаги мустақил давлатлар корхоналари билан алоқаси узилиб қолгани ёки бундай алоқалар амалда иш бермаётгани туфайли тўхтаб қолгани йўқ. Россия ҳудудидан ташқаридаги кооператив алоқалар билан боғлиқ бўлмаган юзлаб корхона ишламай турибди.

Бунинг сабаблари бутунлай бошқа нарсада. Бу корхоналар ҳозирча янги шароитларга мослаша олмаяпти, маҳсулотини сотиш йўлини тополмаяпти, уларнинг ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун маблағи йўқ. Айтайлик, Россиянинг Иваново вилоятидаги фаолияти анъанавий тарзда Узбекистондан етказиб бериладиган хом ашё билан боғлиқ бўлган тўқимачилик саноати корхоналари бугунги кунда энг аввало пахта толаси сотиб олиш учун маблағи йўқлиги туфайли ишламаяпти.

Бу ўринда 1995 йилда Узбекистондан етказиб берилган пахта толасининг асосий қисми, «Известия» газетаси саҳифаларида ёзилганидек, Россия ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилгани, яъни содда қилиб айтганда, Россиядаги айрим тузилмалар мана шу операциядан мумайгина пул ишлаб олганини эслатиб ўтиш жоиз.

Шундан кўриниб турибдики, гап алоқаларнинг узилиб қолганида эмас экан. Гап ҳар жойнинг ўзида ҳисоб-китобда зарур маърифий тартиб ўрнатишда қолган.

Бу — биринчидан.

Иккинчидан эса, узилган алоқаларни тиклаш хусусида кўп жар солаётганлар гапнинг ярмини ютиб юборишяпти. «Труд» газетасининг 6 апрель сонида Россиянинг «Политика» жамғармаси президенти жаноб **Никонов** мана бундай деб ёзади:

«Собиқ СССРнинг барча республикалари, жумладан Россияда ҳам ишлаб чиқаришнинг камайиб кетиши асосан улар ўртасидаги ҳўжалик алоқаларининг узилгани, СССРнинг ягона иқтисодий макони бузилгани билан изоҳланиши сир эмас. Табиийки, агар сал узоқроққа қарайдиган бўлсак шунга амин бўламиз, бу маконнинг тикланиши йўлида қадам ташланиши Россия манфаатларига тўла мос келади».

«Теран интеграция» деб аталаётган ташаббус муаллифлари билан фикри бир жойдан чиқадиган жаноб Никонов ўз мулоҳазаларини қанчалик очиқ баён қилаётганини кўрдингизми?

Гап қандай иқтисодий макон ҳақида кетяпти, деган савол туғилади.

Равшанки, гап қачонлардир меҳнатни умумиттифоқ даражасида таъминлаш деб номланган, ҳар бир республикага маълум ўрин ажратилган, яъни кимдир арзон хом ашё етказиб берадиган, кимлир эса бу хом ашёни қайта ишлаб, даромад олган ҳамда ўзининг миллий даромадини барпо қилишини таъминлаган маконни тиклаш ҳақида кетяпти.

Айтайлик, бу халқ ҳўжалиги комплекси деб аталган маконда Белоруссияга «йигув цехи» вазифаси топширилгани, собиқ Иттифоқнинг барча бурчакларидаги корхоналарнинг деярли ҳаммаси шу «цех» учун ишлагани ҳам сир эмас.

Хўш, Узбекистон ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларга қандай ўрин ажратилган эди? Энг аввало, арзон хом ашё, биринчи ўринда жуда кўп меҳнат талаб қиладиган техник экин — пахта етказиб беришдек «шарафли» ўрин ажратилган эди. Бу пахта билан Иттифоқнинг эмас, бутун социалистик лагерь ҳам таъминланар, етиштирилган бутун ҳосилнинг атиги 15 фоизигина республикада қайта ишланар эди.

Ваҳоланки, бутун суғориладиган майдонларнинг қарийб 90 фоизига экилгани учун минтақа экологиясини бузган, Оролни қуритган, республика аҳолисининг генофондини хавф остида қолдирган бу пахта меҳнаткашларимизнинг оғир, ҳатто айтгандаги, бўлардимки, қўлларча меҳнати билан етиштирилар эди.

Москвадаги қабинетларда пахтага қўйилган нарх халқаро нархлардан юзлаб баравар кам бўлганини кўпчилик билмайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, собиқ СССРнинг ўрта машинасозлик вазирлиги республикамиз заминидан қанча олтин ва бошқа қимматбаҳо ва стратегик металларни суриб олганини ҳамда улар қаёрга ишлатилгани, бундан қандай катта фойда олинганини Узбекистонда деярли ҳеч ким, шу жумладан, раҳбарлар ҳам билмас эди.

Республика мустақилликка эришганидан кейингина маълум бўлдики, Узбекистон валюта олтини иккинчи ўринни, жаҳон бўйича эса еттинчи ўринни эгаллаб турган экан.

Ўзбекистон бунинг эвазига нималарга эга эди? Биз 30—40 фоиз дотация асосидаги давлат бюджетига ҳамда собиқ Иттифоқдаги энг паст турмуш даражасига эга эдик. Ҳар қадамда бизни боқимандаликда айблашар, сизлар Москва бўйнига осилган тошсизлар, деб таъна қилишар эди.

Халқ бундай ҳақсизликка чидашга мажбур эди. Нимага асосланиб ва нима учун шундай бўляпти, деган савол берган кишилар чиқса, шу заҳотиёқ репрессия чоралари кўриларди.

Узбекистон жамоатчилиги ўзининг энг яқин тарихидаги **Горбачев-Лигачев** командаси халқни жиловда тутиб турган, унинг усиб келаётган миллий ва сиёсий онгини бўғиш ниятида «**Пахта иши», «Ўзбеклар иши»** деб аталмиш туҳматларни тўқиб чиқарган, биз ўзбекларга турли-туман шармандали тамғалар ёпиштирилган фожеали саҳифаларни ҳеч қачон унутмайди. Бу даврда оддийгина инсоний ҳуқуқлар, ҳуқуқий меъёрлар бузилган, юзлаб ва минглаб гуноҳсиз кишилар қамоққа ташланган, бинобарин, маҳаллий аҳолига нисбатан қирғин уюштирилган эди.

Турли-туман иттифоқлар, ҳамжамиятлар, федерациялар ва конфедерациялар мафкурачиларининг деярли барчаси тиклаш тўғрисида гап юритаётган собиқ Иттифоқдаги меҳнат тақсимоти амалда Узбекистон учун мана шу маънони англатар эди.

Соғлом ақлга эга бўлган бирон-бир киши юртимизга яна шундай даврлар қайтиб келиши, марказдан туриб ресурсларимизга эгалик қилиниши, халқимиз тақдирини ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиниши билан келиша оладими?

Бундай интеграция муаллифларининг баёнотларида эшитилаётган **учинчи далил: «Бутун дунёда интеграция аниқравшан кўриниб турган эзгу иш деб англанади. Жаҳондаги кўпгина минтақаларга бу жараён хосдир».**

Бу ўринда кўпинча Европа Иттифоқи тузилиши мисол қилиб келтирилади.

Бу хусусда нима дейиш мумкин?

Ҳа, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида барча давлатлар бир-бири билан боғлиқ, албатта. Бугунги кунда дунё харитасида бошқалардан, айниқса узини қуршаб турган мамлакатлардан мутлақ ажралган бирон-бир давлатни топиш қийин. Ҳа, Европа Иттифоқида интеграция ва ҳамкорлик асосий тамойиллардан ҳисобланади.

Бироқ Европа Иттифоқининг интеграция жараёнларига ёндашуви интеграциялашаётган давлатларнинг тўла суверенитети, ҳоҳиши ҳамда уларнинг ҳуқуқларига ҳурмат билан қараш принципларига асосланади.

Ҳа, Европа Иттифоқи асосланган принциплар МДҲ мамлакатлари учун ҳам мақбул бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким рад этмайди. Бироқ, собиқ совет ҳудудида Европа Иттифоқидаги вазиятдан кескин фарқ қиладиган бир неча ҳолат мавжуд.

Биринчидан, бу энг муҳими ҳам — Европа Иттифоқининг шаклланиши бир неча ун йилларни ўз ичига оладиган узоқ тарихга эга, **Маастрих битимлари** эса — давлатлар, уларнинг раҳбарлари жуда қўплаб муросалар асосида босиб ўтган улкан йўл натижасидир.

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, асосли демократик жамоат ва давлат тузилмаларига эга бўлган, мустаҳкам бозор ва ҳуқуқий, қонунчилик меъёрларини, уларни амалга оширувчи механизм ва инфраструктураларни шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, демократик ташкилот ва қадриятлар бу мамлакатлар аҳолисининг мутлақ кўпчилигининг ижтимоий онгидан мустаҳкам ўрин олган.

Тўртинчидан, Европа Иттифоқидаги кўпчилик мамлакатлар деярли бир хил, анчагина юксак иқтисодий салоҳиятга эга. Ўз тараққиёти бўйича бошқалардан устунлиги кўриниб турган давлатлар йўқ. МДҲ доирасида эса, Россия — ўз миқёслари ва салоҳияти билан МДҲдаги бошқа давлатлардан устун, уларнинг ҳаммасини қўшганда ҳам бир неча марта устун турадиган улкан салтанат эканини таъкидлаб ўтириш ҳам ортиқча.

Бешинчидан, техник ва иқтисодий жиҳатдаги қолоқлик, жуда эскириб кетган, рақобатга бардош беролмайдиган технология ва асосий фондларимизни ҳисобга оладиган бўлсак — собиқ СССР доирасида қандайдир иттифоқларга биқиниб олиш ҳаракати — бундай сиёсат утмишнинг қандайдир мафкуравий қолипларини тиклаш йўлида ўзимизни жаҳон иқтисодиётининг овлоқ жойларида жунжикиб ўтиришга маҳкум этиш бўлади. Келажак авлодлар бунинг учун бизни кечирмайди.

Жаҳон тажрибасида давлатлар иқтисодий жиҳатдан ё ҳамкорликда ҳаракат қилиб, ўзларига **жаҳон товарлар бозорида ўрин олиш** (дарвоқе, бу Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония муносабатларида кўзга ташланади), ёки ўз ҳудуллари ўртасида товар ва капитал ҳаракати йўлидаги **божхона тўсиқларини** имкон қадар қисқартириш учун бирлашади.

Бу ҳолда шартноманинг ҳар бир алоҳида иштирокчисининг манфаатлари ҳисобга олинади, улар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланади ҳамда ҳарбий-сиёсий ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадлар бутунлай соқит қилинади.

Пайдо бўлаётган мана шу масалаларни ҳисобга олиб ҳамда теран интеграция деб аталаётган, собиқ совет ҳудудида турли-туман ҳамжамият ва иттифоқлар тузиш мафкурасини мана шу масалалар нуқтаи назаридан кўриб чиқилаларган бўлса, бу ўринда:

— ёки масалага юзаки, охиригача ўйлаб кўрилмаган ҳолда ёндашилмоқда;

— ёки аслида бу шартномалар замирида турган барча нарса атайлаб бузиб кўрсатилмоқда, деган ҳулосага келади киши.

Биз бу шартномаларда иштирок этаётган ҳар бир томоннинг ўз мақсади ва ўз манфаати борлигини яхши биламиз.

Биз бугунги кунда Россиядаги сайловолди мавсуми қандай сиёсий майдонда ривожланаётганини, турли сиёсий ва ижтимоий блоклар ўртасида президентлик курсиси учун бораётган курашда қай даражада танглик вужудга келаётганини кўриб турибмиз.

Россия ҳамда МДҲдаги бир қанча давлатларда интеграция, оддий қилиб айтганда собиқ Иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш ғояси (ҳатто радикал коммунистлар ҳам СССРни олдинги ҳолида тиклаб бўлмаслигини билади) кезиб юрибди.

Бу ғоя турли ижтимоий қатламлар онгида ҳам мавжуд. У айниқса «фалаж қилиб даволаш» туридаги чуқур асосланмаган, узини кўрсатиш учунгина утказилган ислоҳотлар кўпчилик аҳолини оғир аҳволга солиб қўйган, аҳолининг ижтимоий ҳимояси кескин ёмонлашиб кетган жойларда айниқса кучлидир.

1991 — 1992 йиллардаги суверенитетлар сарҳушлиги даврида МДҲ халқларига улашилган ваъдалар амалда бажарилмаяпти. Векселлар ҳамда илгари олинган мажбуриятлар бўйича тўлов тўлаш пайти келди. Бироқ, бу кўпчиликнинг қулидан келмаяпти.

Одамларнинг ҳафсаласи пир бўлиши, ўтмишни қумсаш мана шундан келиб чиқмоқда. Ижтимоий вайсақилик, танқид ва янги ваъдалар учун мақбул бўлган замин ҳам мана шунда пайдо бўлган. Бугун бундан, энг аввало коммунистлар, социал-ватанпарварлар ва «Буюк Россия», «салтанат» сингари баландпарвоз сўзларни айтиб бақириб-чақираётган турли шовинистик руҳдаги унсурлар усталик билан фойдаланмоқда, тўғрироғини айтганда, улар шу билан кун ўтказмоқда. Буни пайқамаслик мумкин эмас.

Сайловчиларнинг бундай кайфиятини Россия президентлигига номзодлардан биронтаси ҳам, шу жумладан Борис Николаевич Ельцин ҳам ҳисобга олмаслиги мумкин эмас.

Россия Давлат Думасининг — Давлат Думасидаги коммунистларнинг десак тўғрироқ бўларди — бу пойгада ташаббусни қўлга олиш мақсадида қабул қилган Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақидаги қарорини ҳам мана шу нуқтаи назардан баҳолаш лозим. Бу қарордан мақсад собиқ СССРни қайта тиклаш борасидаги барча жараёнларни жилдириб юбориш, тезлатишдан иборат. Шуниси галатики, МДҲдаги бошқа суверен давлатлар аҳолисининг бу ҳақдаги фикри қандай экани — бу ҳаракатлар уларнинг мақсад ва интилишларига мос келиш ёки келмаслиги билан мутлақо ҳисоблашилгани йўқ.

Агарда Лукянов ва унга ўхшаган собиқ СССРнинг айрим собиқ раҳбарлари, ҳозирги Давлат Думаси депутатлари, Россия ва у каби утмишдаги барчамизга машҳур мафкурачиларнинг телевидение экрани ва Россия матбуоти саҳифаларидан бераётган қатъий баёнотлари, уларнинг собиқ СССРни имкон қадар тезроқ қайта тиклаш зарур деган гапларига ҳам эътибор бериладиган бўлса, бу хавфли ўйинлар Россияни қаёққа бошлаб кетаркан, деган ўй кишини ташвишлантиради.

Жаноб Сергей Кургинян «Завтра» газетаси саҳифаларида мана бу гапларни ёзади, уларни «Аргументы и факты» ҳафтаномаси кучириб босади (1996 йил апрелидаги 14-сонига қаранг):

«...Улкан юртни (СССР деб тушунаверинг) қайта бирлаштириш, буюк мамлакатни қайта тиклаш **Россиянинг ҳар бир ватанпарвари учун олий давлат сиёсати борасидаги юксак устуворлик** ҳисобланади. Б. Ельцин ҳақиқий интеграция учун қандайдир қадам ташлай оладими-йўқми — бу қадамга беписандлик билан қараб бўлмайди. Чунки мақсад жуда буюкдир. Мана шундай, фақат мана шундайгина натижага эришиш йўлида, ҳатто стратегик муроса қилиш ҳам мумкин ва бу муроса самарали бўлади. Қайта бирлашишга хизмат қиладиган ҳамма нарсадан фойдаланиб қолиш керак».

Бундан ҳам очиқроқ айтиш қийин бўлса керак.

Биз ўзбекистонликлар кимни Президент этиб сайлаш, Россиядек буюк мамлакатнинг тақдири ва сиёсатини ким белгилашини аниқлаш фақат россияликларнинг иши, бошқа бирон кишининг бу ишга аралашиши мумкин эмаслигини яхши англаймиз, албатта.

Бироқ, МДҲ мамлакатлари тақдиридаги, ҳатто Европа ва бутун жаҳон тақдиридаги кўп нарсалар энг аввало Россия танлайдиган йўл ва унинг сиёсатига, у кейинчалик қайси йўллан ва кимнинг раҳбарлигида боришига боғлиқ эканлиги учун ҳам биз бу танловга бефарқ қарай олмаймиз.

Биз Россиянинг демо-кратик тараққиёти ва гуллаб-яшнашидан манфаатдор эканмиз, Президент Б. Ельцин номзодини қўллаб- қувватлашимиз тўғрисида гапирганда айнан мана шу шароитни ҳисобга оламиз.

Гап унинг бизга ёқиш-ёқмаслигида эмас, гап шундаки, фақатгина Ельцин утмишга қайтишга қарши тура олади, Россияда бошланган ислоҳотларни олга силжита олади.

Узбекистон Россия билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали сиёсий ва иқтисодий муносабатларни, унинг Узбекистон халқи асрлар давомида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва қардошлик ришталари билан боғланган халқи билан маънавий алоқаларни ўзаро мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан ўта манфаатдор экани ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак.

Россия билан Белоруссия, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги шартномалар ҳақида гапирар эканман, бу шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш — энг аввало бу давлатларнинг ички иши эканини яна бир бор таъкидлашни истардим. Ҳар бир давлат ўз тақдири ва келажагини ўзи ҳал қилади. Бу жараён ихтиёрий эканини назарда тутган ҳолда унга аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Худди мана шунинг учун ҳам, шунингдек, бизнинг интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини ўзимизга хос тарзда англашимизни, қандайдир давлатлараро блоклар ҳамда барча яхши ниятли, манфаатдор давлатлар билан эркин ҳамкорлик қилиш йўлидаги чеклашлар биз учун мақбул эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, Узбекистон бу шартномаларга қўшила олмайди.

Марказий Осиёдаги интеграция йўлида қандайдир қийинчиликлар пайдо бўлмасмикан, деган савол туғилиши мумкин. Назаримда, бундай қийинчиликлар туғилмаслиги керак. Биз Марказий Осиё интеграциясига ҳудудий бирлик, коммуникацияларнинг, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи соҳаларининг умумийлиги, сув ҳўжалиги ва энергетика объектларидан биргаликда фойдаланиш, энергия ресурслари билан таъминлаш зарурати туфайли туғилган объектив зарур ҳодиса, деб қараймиз. Чуқур умумий илдизлари бир-бирига чирмашиб кетган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий яқинлигини эслатиб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Бу умумийликни руёбга чиқариш, шубҳасиз, халқларимиз манфаатига жавоб бериши, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга қўмаклашишига ишончим комил.

Хонимлар ва жаноблар,

Бир ҳафтадан кейин Узбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи бошланади. Ташриф муддати буюк аждодимиз, мислсиз саркарда ва давлат арбоби Амир Темур номи билан боғлиқ юбилей тадбирлари ўтказилаётган пайтга тўғри келишидан жуда ҳам мамнунман. Европанинг юраги — Парижда, ЮНЕСКО раҳнамолигида жаҳонга машҳур олимлар иштирокида илмий конференция ўтказилади, кўргазма ташкил этилади, етакчи узбек артистлари иштирокида концертлар бўлади.

Амир Темур тарихдан ҳозирги Узбекистон ҳудудида кучли ва гуллаб-яшнаган давлат барпо этган ўрта асрларнинг энг йирик давлат арбоби ва саркардаси сифатида урин олган. Бу давлат пойтахти — ҳозирги Самарқанд ўрта асрлар оламининг маданий ва маънавий марказларидан бирига айланган, инсон ақл-заковати ва истеъдодининг ноёб намунаси бўлган, бугунги кунда ҳам сақланиб турган мислсиз меъморлик обидалари билан донг таратган.

Мен ЮНЕСКОнинг Амир Темур юбилейини нишонлаш ҳақидаги қарорига Узбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунига ҳурмат-эҳтиром белгиси, даврлар ўртасида мавжуд бўлган узлуксиз алоқани, бугунги кунда бизга куч-қувват ва келажагимизга ишонч бахш этиб турган буюк аждодларимизнинг улкан маданий ва маънавий меросини намойиш этиш имкони, деб қарайман.

Мен тарихни зиддиятлар ва душманлик эмас, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва бирбирига бўлган ишонч олга қараб жилдиришига аминман.

Шу фикрлар билан сўзимни тугатишга ҳамда эътиборларингиз учун ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

РЕЖА, ИМКОН ВА ҲОСИЛ

Шу йил февралида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз ўтган йилги натижаларни таҳлил қилар экан, олдимизда турган муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб, асосий эътиборни камчиликлардан тўғри хулоса чиқаришга, ишдаги заиф нуқталарни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини таъкидлади. Агар шу тарзда ташкил этилса, муваффақиятларнинг қўлга киритилиши шубҳасиз.

Утган йили Жондор тумани пахта тайёрлаш режасини уддалай олмади. Табиийки, мулжалдаги даромад ҳам олинмади. Топшириқ барбод бўлгач, пахтачиликдан олинадиган асосий фойдадан маҳрум бўлинди. Туманда режа 87,1 фоизда қолиб кетди. Агар у уддаланганида 6 минг тонна пахта толаси туман хўжаликлари ихтиёрида қоларди. Бу бир неча ўн миллион сўм демакдир. Яна бир неча тонна пахта ёғи, минглаб тонна широт, шелуха ва бошқа чиқиндилар қоларди. Кўриниб турибдики, ниҳоятда катта даромад қўлдан берилди.

Ҳолбуки, маблағ туман учун сув ва ҳаводек зарур. У ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилишга яратиларди. Нега шундай бўлди, нима учун асосий тармоқ бўйича топшириқлар уддаланмади деган ҳақли савол туғилиши шубҳасиз. Аҳвол таҳлил қилинса унинг сабаблари аниқланади.

Шулардан бири Жондорда ҳосилдорлик юқори белгиланганидир. У, айниқса, кейинги ўн йилларда кескин кўтарилиб кетди. Туман пахтакорлари ерлари бир-бирига туташ бўлган қўшниларга нисбатан гектаридан 7-8, ҳатто 10-12 центнер кўп ҳосил етиштирсагина маррани ишғол этишади. Тупроқ, иқлим шароити деярли бир хил бўлса-ю, лекин орада бундай тафовут турса, уни қандай тушуниш мумкин? Шуқурки, ернинг бал-бонитедини ўрнига қўйиш тўғрисида Президентимиз 29 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ва халқ депутатлари Хоразм вилояти сессиясида одил фикрларни айтди.

Ҳамма нарса олинадиган даромадга боғлиқ бўлган ҳозирги шароитда масаланинг ушбу жиҳатини ҳисобга олмаслик адолатдан эмас. Бултур Жондорда гарчи гектаридан 33 центнердан пахта олинишига қарамай режа уддаланмади. Яна беш центнердан ҳосил тошширилсагина довонни эгаллаш мумкин эди. Сизот суви йилдан-йилга юқорига кўтарилиб, ерларнинг унумдорлиги пасайиб, шўрланиш даражаси тўхтовсиз ошиб бораётган бир пайтда ҳосилдорликни 37-38 центнерга етказиш мумкин.

Тўғри, туманнинг вилоятда ўз ўрни бор. У ялпи етиштириладиган пахта салмоғи ва ҳосилдорлик жиҳатидан олдинги ўринлардан бирида. Аммо ана шу мавқени сақлаш ниҳоятда оғир кечаётганлигини унутмаслик керак. Ҳосилдорлик юқори белгиланганлигининг сабабига келсак, у асосан собиқ Иттифоқ даврида ги баъзи раҳбарларнинг хатоси эканлиги ойдинлашади. Ҳосилдорлик тўхтовсиз ошириб борилади. Натижада ернинг табиий имконияти меъёридагидан оширилди. Ҳозир эса бозор шароити имкониятига тўғри баҳо бериш, барча тармоқларни тенг ривожлантиришни талаб қилмоқда. Халқимизга нафақат пахта, балки галла, сабзавот-мева ва бошқа истеъмол маҳсулотлари ҳам зарур?

Бухоро вилоятида жорий йилда пахта майдонлари 23 минг гектарга кенгайтирилиши мулжалланган. Бу асосан янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига амалга оширилади. Туманда эса ўтган йилга нисбатан пахта майдонларини 5,2 минг гектарга қупайтириш кўзда тутилган. Етиштириладиган ялпи хом ашёни 55 минг тоннага етказиш мулжалланяпти.

Пахта — мамлакатимиз иқтисодиётига асосий даромад келтирувчи хом ашё. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Жорий йилда Жондорда 17,5 минг гектар ерга чигит қадалиши лозим. Яъни бу кўрсаткич илгариги йиллардагидан қарийб 5 минг гектарга кўпдир. Лекин пахтани жойлаштириш учун қўшимча майдонлар йўқ. Тўғри, кейинги икки йил ичида бор-йўғи 600 гектарга яқин янги ер ўзлаштирилди. Айни пайтда туманда ҳаммаси бўлиб 23282 гектар экин майдони мавжуд. Унинг 5 минг гектарида галла ўсмоқда.

Утган йили 3 минг гектарга яқин ерда озуқа учун беда парваришланди. Айни пайтда туманда пахтанинг салмоғи 80 фоизга яқинлашади. Ахир республикада бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиқни ташкил қилиб турган бир пайтда бу ердаги аҳволни нима билан изоҳлашга ҳайронсан?

Туманда ерларнинг мелиоратив аҳволи йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Унинг асосий сабаби маблағ йўқлигидир. Утган йили бор-йўғи 400 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, холос. 646,7 километр масофадаги зах сувларини йиғадиган зовурлар тозалаш ва қайта таъмирлашга муҳтож. 248,9 километр узунликдаги хўжаликлараро бундай зовурлар мутлақо ишдан чиққан. 1994 йилда кучли шўрланган майдонлар 4 минг гектарни ташкил этган бўлса, утган йилда кўрсаткич 6 минг гектарга етди. Қўшни туманлардан оқиб келаётган сизот сувларининг асосий қисми бу ердан ўтиши сабабли аҳвол ёмонлашмоқда. Шу боис деҳқончилик маданиятини юксалтириш учун биринчи навбатда мелиорация-ирригация ишларини кучайтириш зарур. Акс ҳолда аҳвол йилдан-йилга мураккаблашиб бораверади.

Узбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам ернинг бал-бонитедини аниқлаш, шунга қараб иш юритиш бўйича кўрсатмалар берилган. Бундай тадбирлар туман деҳқонларини ҳам беҳад хушнуд этмоқда. Шу кунларда далаларда иш қизғин. Чигит экиш жадал бормоқда.

Усмон НАВРЎЗОВ.

Ислоҳотнинг тотли меваси

МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Учқўприк «Хумо» ип йигирув фабрикасининг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганлигига ҳали икки йил тўлгани йўқ. Аммо, иш юритишнинг нодавлат шакли жамоага қисқа вақт ичида жуда катта наф келтирди.

Шу ҳақда сўзлаб беришни тадбиркор раҳбар, ҳиссадорлик жамияти раиси Маҳмуджон Исмоиловдан сўрадик.

— 1994 йил охирида бўлиб утган корхона акционерларининг таъсис конференцияси мулкдорларнинг улушини белгилади. 7 миллион 138 минг 622 сўмлик яъни 71386 дона акциялар тарқатилди. Шундан 30 фоизи давлат улушига, 25 фоиз акция жамоа улушига, 11 фоизи эркин сотувга, 10 фоизи республика «Чиннипроминвест»га, 24 фоизи чет эл сармоядорларига ажратилди. Бироқ ўша пайтларда акцияларни нақд пулга сотиб олиш учун ишчиларнинг қурби етмас эди, фабрика маъмурияти олинган фойда ҳисобидан ҳар бир ишчига 1500 сўмдан кредит бериб, ҳисоб очди, шу тариқа жамоа ўз улушига эга бўлди. Кейинчалик эркин сотувга чиқарилган акцияларнинг 80 фоизини ҳам пул ўтказиш йўли билан жамоа улушига қўшиб олдик. Натижада фабрика акционерларининг мулкдаги ҳиссаси 35 фоизга етди. Корхона пайчиларга 1995 йилда олинган фойда ҳисобидан дивидентларни тулади. Дастлабки, 1500 сўмлик акция сотиб олган ишчи йил якунига кўра 3800 сўмга эга бўлди, дивидент ҳисобидан 2300 сўм фойда олди. Пайчи ўз улушининг моҳиятини тушуниб етди, акцияга қизиқувчилар сафи кенгаймоқда. Юртбошимиз айтгандек, мулк эгаси ҳеч қачон қўлидаги мулкка хиёнат қилмайди, уни авайлайди, ўз моддий фаровонлигининг манбаи, деб билади. Акционерлик жамияти меҳнатчини мулкдор этиш билан бирга, ишга муносабатини ўзгартирди. Эндиликда 780 нафар пайчи ўзини корхонанинг ҳужайини, деб ҳис қилаётир. Бу режаларни ошириб бажаришга, сифатни юқори кўтаришга, меҳнат унумини оширишга имкон яратмоқда. 1995 йили 1435 тонна ип йигириб, режа юз фоиз ўринлатилди, меҳнат унумдорлиги 104 фоизга, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш юз фоизга бажарилди. Жамоа 43670 минг сўмлик даромад қилди, соф фойда 23 миллион сўмни ташкил этди. Шу боисдан ишчининг бир ойлик маоши январь ойидаги 1559 сўмдан йил охирида 1807 сўмга кўтарилди. Корхонада ўз иш режасини юз фоиздан ошириб бажарган, юқори сифатга эришган йигирувчи юз фоиз маоши миқдорида мукофот олади. Бундан ташқари меҳнатчи таътилга чиқанда унинг жамоа ютуғига қўшган ҳиссаси ва иш стажига қараб 250 сўмдан 500 сўмгача ёрдам берилади. Чимендаги «Зилола», Бўстонбувадаги дам олиш уйларидан 4 та ўрин сотиб олганмиз. Йил давомида шу масканларда ишчилар бепул даволанадилар.

1996 йилда фабрикада ўтган йилга нисбатан 200 тонна кўп, яъни 1635 тонна ип йигириш режалаштирилган. Наврўз байрами шарафига биринчи чорак режаси ошириб бажарилди. Ишлаб чиқариш илғорларидан 240 кишига 80 минг сўмлик Наврўз совғалари топширилди, моддий жиҳатдан кам таъминланган 41 нафар оилаларга минг сўмдан ёрдам берилди.

Ип-йигирув ҳиссадорлик жамияти раҳбари Маҳмуджон Исмоилов.

Корхонада янги ислоҳотларни қўллаб-қувватловчи, ўз касбининг моҳир устаси бўлган филойи ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Пиликлаш цехи бошлиғи Зуҳриддин Раҳмонов, ип йигирув-эшув цехи устаси Бухожира Юнусова, йигирувчи Раъно Қодирова, пиликловчи Ҳамрохон Юнусова, таровчи Равила Жўраева намунали меҳнатлари билан жамоа эришаётган ютуқларга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Ҳиссадорлик жамияти раиси корхонанинг фаол, меҳнатсевар пайчилари билан фахрланса арзийди. Улар ўз маҳсулотларини тўқимачиларга манзур бўладиган даражада сифатли тайёрлашга эришмоқдалар. Жумҳуриятнинг Жиззах, Қўқон шаҳар пайпоқ тўқув комбинатлари, Марғилон атласчилари, Самарқанд шаҳар «Мусаффо» фирмаси, Қорасув тўқимачилари пахтадан йигирилган ипни иштиёқ билан харид қилмоқдалар. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг аниқ-тайин буюртмачисининг бўлиши корхонанинг истиқболини белгилайди.

Хом ашё фабриканинг ўз кучи билан Сурхондаре, Қашқадаре ва Қорақалпоғистондан ташиб келинмоқда. Бу транспорт харажатларининг ошиб кетишига сабаб бўлаётир. Бу муаммони ҳал этишга республика «Пахтасаноатсотиш» уюшмаси кўмаклашса, хом ашё тақчиллиги барҳам топарди.

Асл раҳбар жамоанинг меҳнатини, орзу-ҳавасини қувватлайди, улар орасида ҳамиша соғлом муҳит бўлишига эришади, нуқсонларга эса муросасиз курашади. Маҳмуджон Исмоилов ана шундай ғамхўр, ташкилотчи, тадбиркор етакчи. У бирорта тармоқни эътиборсиз қолдирмайди, икки сменада меҳнат қилаётган ишчилар моддий ва маънавий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланган. Ошхонада таомлар талон орқали 50 фоиз арзонга сотилади, кам таъминланган, кам қон хомиладор аёллар бепул овқатланадилар. 140 ўринли боғча тарбияланувчилари ҳам 4 маҳал бепул овқат ейди. Ишдан сўнг ювиниш, дам олиш, даволанишга қулай шароит бор. 12 ўринли сауна, душхона, малакали врачлар хизмат кўрсатаётган тиббий шохобча ишлаб турибди. Акцияларнинг дивидент фойдаси ҳисобига янги чойхона, ошхона қурилмоқда. Хом ашё сақлайдиган янги айвонлар битказилди. Корхонага пайпоқ тўқийдиган 20 та янги машина сотиб олинди. 6 та янги иш жойлари очилди. Бу йил бир миллион сўмлик пайпоқ тўқиш мулжалланмоқда. Пахта толаси чиқитларидан ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Аҳолига кўрпа қоплаш учун пахта, чорвадорларга арқон ишлаб чиқарилмоқда. Бағри кенг, ташкилотчи раҳбар туманнинг «Зафар» футбол командасини ҳомийликка олиб, ўйинчиларга 360 минг сўмга спорт кийимларини сотиб олиб берди. Сахий, ўз сўзининг уддасидан чиқадиган тадбиркорлар ишига омад тилаймиз.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТДА: Фабрика таъминот бўлими бошлиғи (чапдан) Суйдихон Ғозиева, ҳамшира Муҳаббатхон Алижонова ва кадрлар бўлими нозири Маъсумахон Иномжонова шу куннинг ишлари бўйича фикр алмашмоқдалар.

ТЕМИРНИ ҚИЗИҒИДА БОСГАНЛАР

Балиқчи туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги деққонлари чигит экишни 8 иш кунида ниҳоясига етказдилар

Ҳисоб-китоб билан иш юритадиган деқон йилдан-йилнинг фарқини тездаёқ илғаб олади ва режа тузади. Утган йилнинг кузида ернинг сифатли ҳайдалганлиги, чиллада эса яхоб суви берилганлиги эрта баҳорда дала ишларини илдам бошлаш имкониятини берди.

Экин-тикинда қатнашадиган техника воситаларининг сифатли таъмирланганлиги ҳамда механизаторларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилганлиги эвазига ишда унумдорлик кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, борки имконият чигитни қисқа муддатларда экишга сафарбар этилди. Айтиш мумкинки, барча жойда бўлаётганидек, бу ерда ҳам ноқулай об-ҳаво сабабли бирмунча қийинчиликлар вужудга келди. Қулай имконият пайдо бўлиши биланоқ иш ташкил этиш ҳисобига чигит экиш тезлашди. Абдурасул Мадаминов, Умматали Исомиддинов, Икромжон Деҳқонов сингари механизаторлар бошқарган экипажлар ерга барака уруғи қадашда пешқадам бўлдилар. Умуман олганда экишда иштирок этган еттита экипажнинг барча аъзолари вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилдилар.

Куни кеча Андижон вилояти ҳокими Қ.Ғ.Обидов ва ўринбосари И.Қобуловлар илғор хўжаликда бўлишиб, деҳқонларни дастлабки эришган ғалабалари билан муборакбод этишди. 523 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалик деҳқонларининг елкасидаги юки залворли. Режа бўйича ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиниши керак. Баҳорда бошланган хайрли иш албатта кузда баракали бўлади. Уялардаги чигитни эҳтиёткорлик билан кўздан кечирсангиз, бўртиб қолганлигини кўрасиз. Демак, эрта-индин далалар ёш яшил ниҳоллар билан қопланади.

Хўжалик далаларида деҳқонлар фақат пахта ташвиши билангина банд эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. 268 гектар майдонда барқ уриб ривожланаётган ғаллазорлар ҳар қандай одамни тўлқинлантириши турган гап. Узимизнинг донимиз, ўзимизнинг нонимиз дея, ҳар туп майсани кўз қорачиғидек эҳтиёт қилиб, меҳр ила парваришлаётган ғаллакорларнинг мақсадлари улкан. Ҳар гектар ердан 60 центнердан сара дон олишни кўзлаган ғаллакорларнинг бу ниятлари ушалишига тилакдошмиз. Улар ўтган хўжалик йилида ҳосилдорликда олдинда бўлишган. Хирмонни сара донга тўлдиришнинг мукофоти йилга татишини амалда кўришди. Одамлар далага чиқаётган вақтда омбордаги 60 тоннадан зиёд дон уларга бўлиб берилди. Демак,ҳосил мул бўлса, омбор доимо донга тўла бўлади.

Бугун хўжаликнинг пахтазорига, ғаллазорига ёки боғига ташриф буюрсангиз, одамлар Узбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан руҳланиб, ғайрат билан меҳнат қилишаётганига гувоҳ бўласиз.

Қ.АСҚАРОВ.

Суратларда: 1. Хўжалик бошқаруви раиси Ғуломжон Аҳмаджонов ва бригада бошлиғи Ҳошимжон Ғафуровлар далада. 2. Ижарачи ғаллакор Абдуқаҳҳор Йўлдошев.

Х.АРАББОЕВ олган суратлар.

Қўзилатиш - муҳим палла

ИРОДА ИМТИҲОНИ

Бу гал қўйчивонлар тўл мавсумига ҳар йилгидан, чамаси, ўн беш кун кеч киришдилар. Қўзилатишни ҳаво ҳарорати яхши кўтарилган, ўт-улан қўпайган пайтда ўтказиш мақсадида шундай қилинди. Аксига олиб ҳаво ҳарорати март ойи охири, ҳатто апрелнинг биринчи ярмида ҳам кўтарилмади. Шунинг учун ҳавонинг серёғин келгани ҳам деярли наф бермади. Негаки, нам етарли бўлсада, иссиқлик бўлмаса, бирон гиёҳ дуркун ривожланмайди. Бу Авазчул яйловларида 34 минг бошдан ортиқроқ қўй-қўзи боқаётган Ғофур Ғулом номли қорақўлчилик жамоа ширкат хўжалиги чорвадорлари учун жиддий синов бўлди.

Тадбиркор, тажрибали қўйчивонлар бу имтиҳондан дадил ўтмоқдалар. Бунга жониворлар парваришини кучайтириш, она қўйларни кучайтирилган ҳолда ва соз озиқлантириш эвазига эришилмоқда.

— 46 йилдан буён қўй боқаман, — дейди номдор чўпон Норбой Чўянов. — Ҳар йил қўзилатиш мавсумида, албатта, қандайдир қийинчилик бўлади. Март ойларининг бошларида ҳаво қизиб кетиб, ўт-уланлар ердан бош кўтарар-кўтармас қуриб кетган пайтлар ҳам бўлган. Ёнгингарчилик бўлса-да бу йилгидек ҳарорат кескин пасайиб кетган вақтлар ҳам учрайди. Кўп гиёҳлар яхши унмади. Бундайда тўлни муваффақиятли якунлаш ҳаммаларнинг ҳам қўлидан келавермайди. Сабаби, ҳали совлиқлар кўкка тўйган эмас. Шу боис, совлиқ қўзисига қарамасдан югуради. Бундай ҳолда албатта она қўйларни қўлдан озуқа бериб боқиш керак. Биз худди шундай қилаяпмиз. Мавсум олдидан ғамланган беда пичани ва омихта ем расамади билан сарфланмоқда. Қўзилаган қўйлар парвариши алоҳида ташкил этилган.

— Натижалар қандай? — сурадик бош чўпондан.

— Бултургидан кам бўлмайди, — деди Норбой ака. — Утган йил отардаги 632 бош қўйнинг ҳар юзидан 132 тадан қўзи олиб, ҳар бир совлиққа биттадан қўзи эргаштиргандим.

— Бундан ўзингиз қандай манфаат кўряпсиз?

— Яқинда, мавсум олдидан хўжалигимизда вилоятимиз қорақўлчиларининг семинар-кенгаши бўлди. Анжуманда ҳам менга шундай савол беришганди. Юқори кўрсаткичга эришганим учун менга хўжалик маъмуриятининг буйруғи билан 36 бош қўзи беришди.

Ҳозир Н.Чўянов бош чўпонлик қилаётган отарда кунига 54-60 бош совлиқ қўзилаётир. Шу кунгача совлиқларнинг 80 фоизидан тўл олинибди. 42 бош совлиқ эгиз қўзилабди. Қўйларнинг ҳолати яхши, қўзилар дуркун. Норбой аканинг айтишича, Амир Темур йилида ҳам 17 йилдан буён одатга айланган удум бузилмайди — қўйларнинг ҳар боши ҳисобига биттадан қўзи қолдириб, бир отардан икки отар яратади.

Хўжалик ташкил топганидан буён унга раҳбарлик қилиб келаётган Мамат ака Жумақулов меҳнат фаолиятини чўпонликдан бошлагани учун касб сир-асрорларини яхши билади. Чўпонлар дардини эшитади, уларга қайишади. Мавсум олдидан чўпон уйлари, қўтон ва кашарлар таъмирланди, тегишли жойларга ем-хашаклар ғамлаб қўйилди. Бундан ташқари чўпонлар кийим-бош, ун, ёғ, гуруч каби озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Тўл мавсуми давомида ҳар бир отар жамоасига қўшимча ишчи кучи, фермаларга эса техника воситаси ва мутахассис ажратилди.

— Тўғриси, бу йилги мавсум қўйчивонлар учун ғоят машаққатли бўлди, — дейди Мамат ака. — Шунга қарамай уни кўнгилдагидек якунлаш чора тадбирлари қўрилмоқда. Барча шарт-шароит яратилган, меҳнат мусобақаси йўлга қўйилди. Энг юқори натижага эришиб, қўзиларнинг 90 фоизини ўстиришга қолдирган ферма жамоасига 2 минг сўм, 85 фоизини насл учун қолдирган жамоага 1,5 минг сўм ва 80 фоизини ўстиришга қолдирган ферма жамоасига минг сўм миқдорида пул мукофоти берилади. Отарлар ўртасида эса қуйидагича: ҳар бош совлиққа биттадан қўзи эргаштирган жамоага 2 минг сўм, 90 фоиз қўзини ўстиришга қолдирган отар жамоасига 1,5 ва 80 фоиз қўзини асраб қолган жамоага минг сўм миқдорида мукофот пули ажратган. Қўзилатишнинг бориши қатъий назоратда.

Хўжаликнинг 4 та фермаси ва 42 та отарида қўзилатиш якунловчи паллага кирди. 22 минг бошдан зиёд совлиқнинг салкам 18 минг бошидан тўл олинди. Дастлабки натижалар ҳар юз бош қўйдан ўртача 107 бош қўзи олиб, сўз ва иш бирлиги таъминланишидан далолат бермоқда. Назар Ниёзов, Султонқул Жаддиев, Бекжон Жумақулов, Зоир Ҳақбердиев, Хуррам Очилов, Норбой Чўянов, Қозоқ Ҳимматов, Қурбонмурод Ортиқов, Барот Назаров, Хосият Ниёзовлар бош бўлган ферма ва отарлар жамоалари 100 бош совлиқ ҳисобига 112-130 тадан қўзи олиб, уларнинг 85-90 фоизини насл учун асраб қолишга эришмоқдалар.

Ҳа, қўриқ Усмон Юсупов туманидаги ягона қорақўлчилик хўжалиги ҳисобланган Ғафур Ғулом номли жамоа ширкат хўжалиги чорвадорлари амалдаги йилда 23 минг 544 бош қўзи олиб, унинг камида 16 минг 700 тасини ўстиришга қолдиришмоқчи. Салкам 7 минг дона сифатли қорақўл тери сотилади. «Қўзланган мақсадга эришсак, ўзимизни ҳур Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллигига муносиб меҳнат совғаси ҳозирладик, деб ҳисоблаймиз», дейишмоқда марди майдон қўйчивонлар.

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ.

АЛЛОМА ҚЎЛИДАГИ РАЙҲОН

Яхши одат — саодат зийнатидир, ҳар кимлан бир фойдали ибрат урганмоқ эса фазилатдир. Ақл-ақлдан қувват олганидек, одам одамдан солиҳ одобхислатларни урганадики, бунда кўп ҳикмат бор. Қиематли қадрдоним, ҳикматшунос Адбурҳим ота Умаров билан юрган-турганларимизда кўп ажойиб одат-удумларини ҳавас-эътиқод ила қизиқиб кузатганман. Айниқса, у кишининг йилнинг деярли ҳамма яшиллик ойларида кўкрак чўнтакларига гулу райҳонни солиб, «кўз-кўз» этиб яшнатиб юришларига ҳайратланганман. Мен қадрдонимнинг бу одатини, халқимизнинг қадимий анъанаси, гўзаллик ва нафосатга кўнгли ошуфталигидан деб ҳаёл қилар эдим. Йўқ, янглишган эканман, бу расму-одатимиз заминида ҳам кўп сиру синоат, иқболу саодат, тиббий тилсиму хосиятлар бор экан.

Турмуш тарзимиздан маълумки, одамлар она табиат қўйнида яшаб, унинг сиру асрорларини ҳаёт тажрибаларида синаб кўриб яхши-емонни, фойда-зарарни билганлар, фойдалисини эъзоз тутганлар, зиёнлисининг зарарини даф этиш йўлларини излаганлар ва унинг ҳар томонлама чора-тадбирини белгилаганлар. Муъжиза шундаки, табиатда зарарли бирор нарса бўлса уни йўқотиш чораси, бошқача айтганда, қушандаси ҳам бор. Турли касалликларни тарқатувчи макруҳ (микроб) бор экан, она табиатнинг ўзи унинг қушандасини тайёрлаб қўйган. Шундан келиб чиқиб айтганда, одамлар ҳаёт синовларида аниқлаган фойдали нарсаларни турмушда ҳар хил омил-аъмоллар усули билан қўллашни одат қилиб оладилар. Масалан, исириқни тутатиб ҳаводаги турли зарарли макруҳларни йўқотишда фойдаланишган, турфа дори-дармонлар тайёрлашган. Кимёшунос олим Маннон Набиев «Ошқук ва зираворлар хосияти» китобида райҳон усимлигини қўлда олиб юриш халқимизда одат бўлганининг сабабини қуйидагича таърифлайди:

«Баъзи отахон ва онахонларнинг қўлоқларига райҳон қистириб юрганларини кўриб ажабланамиз. Ваҳоланки, бу ўз даврида юқумли касалликларнинг тарқалишидан сақлаб қолишга ёрдам берган. Маълум бўлишича, райҳон таркибида микробларни ҳалок қилувчи модда бор экан...»

Қарангки, райҳоннинг бундай хосияти борлигини деярли ўн беш аср муқаддам пайғамбаримиз расули акрам саллаллоҳу алайҳу вассалам ҳам эътироф этган эканлар. Машҳур муҳаддис Абу Исо Ат-Термизий «Аш-Шамоил ан-набавиа» (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) асарида мана бу ҳадисни келтирадилар:

«Ҳазрат Абу Усмон Наҳдий дебдурлар: жаноби расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллямдин марвийдурки, дебдурлар: «Қачонки, сизлардан бир кишига райҳон берилса, ани қайтармасун, чунки райҳон жаннатдан чиққандир».

Минг тасанно, райҳон жаннат неъмати. Ҳилибуйи ниҳоятда ўткир ва хушёқим бу ўсимликни халқимиз ардоқлаб жон-дилдан севади, севганидан номини жисмига исм қилиб олади, фарзандларига яхши умид билан «Райҳон, Райҳона» деб исм қўядилар. Атоқли олимимиз академик Азиз Қаюмов «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумида чиққан «Абу Райҳон Беруний» асарининг «Меҳрибонлик» бобида қуйидаги ноёб воқеани ёзади:

«Абу Райҳон сўзи Райҳон отаси демакдир. Ёш олим бу хушбўй ўсимликни жуда ёқтирар ва муттасил қўлида олиб юрар эди».

Ҳеч шубҳа йўққи, буюк аллома Беруний бу ўсимликни яхши кўрганидан ўзига «Райҳон» исмини қуня сифатида танлаган.

Райҳон билан боғлиқ яна бир қизиқ воқеа. Уша асарнинг «Райҳона илҳоми» бобида 1029 йилда Берунийга ошиқ бўлган Райҳона исмли қизнинг тақдири гоят қизиқарли ва ибратли ҳикоя қилиб берилган. Райҳона бир неча йиллар давомида Беруний асарларини тинмай ўқийди, уни севади, отаси Ҳасан ал-Хоразмий эса қизига олим асарлари қўлёзмаларини излаб топиб, келтириб бериб туради. Беруний қиз севгисидан бехабар булади. Ишқ оташида қуйиб-ёнган Райҳона ниҳоят бир неча илмий саволлар билан Берунийга мурожаат қилади, севгисига жавоб ҳам олмоқчи бўлади. Олим эса Райҳона саволларига жавоб тариқасида ёзган мақолаларидан «Аттафҳим» (Тушунтириш) деган китоб тайёрлайди. Ҳикоя жуда мунгли тугайди, қиз ўз севгисига эриша олмайди.

Умрининг охирида «Сайдана» китобини ёзганки, бунда доривор буладиган тиллар, жумладан, 4 минг 500 дан ортиқ усимликлар, ҳайвонлар, турли жинслар ва улардан олинадиган озуқаларни чуқур изоҳлаган. Беруний дейдики, «Яхши ҳидини искаган нарсамдан юз ўгиришни дуруст курмаганман ва атрофлича урганишга аҳдга ҳавола қилганман».

Райҳон номи билан машҳур булганлар тарихда ҳам кўп учрайди. Араб ёзувчиси ва адабиётшуноси Амин ибн Фарис (1876-1940 йиллар) ар-Райҳоний тахаллуси билан дунёга донги кетган. Бу аллома одоб-ахлоқ мавзусида турт китобдан иборат «Райҳонийнома» асарини ёзганки, бунда ҳам хушбўйликда тенги йўқ райҳон усимлиги алломага ўзига хос илҳом багишлаган булса не ажаб!

«Гуруғли» туркумидаги достонлардан бирининг бош қаҳрамони ҳам Райҳон Араб деб аталади.

Арабча ёзув услублари: насх, настаълиқ, сулс, девоний, руқаъий қаторида райҳоний услуби ҳам борки, булар ўрта асрда кенг тарқалган ёзув булиб, «олти қаламда хат битмоқ» деб аталган. Райҳоний ёзуви ва бошқа услубдагиларга нисбатан етиқроқ ҳолда, ҳарфларнинг охирида эса қайрилмалари бўлмайди, у райҳон баргчаларидек чиройли булганидан қўлёзма китобларда, қупинча саҳифаларнинг безаги сифатида қўлланган.

Райҳонни авлод-аждодларимиз руҳий-самовий ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда «Таъбирнома» китобида: «кимки тушида райҳон кўрса иззат-икромга сазовор булгай ва бой булгай» деб таърифлашган.

Мир Алишер Навоий бобомиз, ғазал ёр лабидаги нилгунзангор ранг холини қизил шарбат ичига тушган райҳон уруғига қиёслаб бундай сатрлар битган эканлар:

Лабингда нилгун холингдир, эй жон,
Нечукким шарбат ичра тухми райҳон.

Райҳонни ва унинг ҳуш бўйини шоиру алломалардан тортиб, табиат неъматларига ошуфта инсон боласи борки, ҳамма уни мадҳ этган. Она-Ердан «бош кўтариб» чиққан ҳар бир гиёҳда ҳикмат бор, шунинг учун буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомий:

Боқмагил таҳқир кўзи-ла пирдеҳқон айтадур,
Бу экинлар ичра ўсмас ҳеч гиёҳ бехудага,

деган бўлсалар, Абу Исҳоқ Шерозий ҳам шу аллома фикрларига монанд сатрларда:

Ҳар неки бўлса яна айб кўзи бирла боқмагил,
Бу жаҳон саҳросида не ўсса бир хисларга ёр, дейди.

Бундан ибрат шуки, Аллоҳ таоло бани Одамга яшамоги учун рўйи маскунда яратиб қўйган жаъмики ноз-неъматларида фойдали хислат-хосиятлар бор, биз шукроналик билан буларни ҳам гизо, ҳам шифо сифатида ардоқлаб, асраб-авайлаб, хору исроф қилмай қадрламоғимиз қарз ва фарзимиздир.

Машҳур аллома Иброҳим ан-Нахший шифобахш қўкатларни инсоннинг энг олий неъмати — ақлга қиёслаб: «қўкат қўйилмаган дастурхон ақл ато қилинмаган нодонга ўхшайди» деб таъриф беради, зеро ўзбек халқи барча шифобахш қўкату гулларни, зираворларни меҳр билан ардоқлаб ўстиради ва севиб истеъмол қилади.

Жаннатмакон диёримизда арпабодиён, дафна, сумбул, жамбил, ялпиз, жағжағ, зира, зирк, исмалоқ, момоқаймоқ, саримсоқ, пиёз, пиёзу анзур, ерқалампир, мург, кийикўт, иссоп (кукўт), кашнич, укроп... яна номини сизу биз билган-билмаган қўкатлар усадики, ҳаммаси аъзо танимизга малҳам, жонимизга дорию дармондир. Она Еримизнинг бу яшил неъматлари орасида ифори ниҳоятда хушбўй райҳон шифобахш қўкатларнинг маликасидир, у ҳам гул, ҳам қўкат сифатида, ҳам зиравор сифатида кўнгилга ардоқлидир, унинг лабсимон нафис баргига тикилганда, эъзозлаб нозик шохчасини қўлга олганда, димоққа тутиб ҳидлаганда хушбўйи ҳис-туйғуларимизни тўлқинлатиб, руҳиятимизни чунонам чоғ этадики, ифорининг лаззатидан беихтиёр «оҳ-оҳ» деймиз.

Олимларнинг зукколик билан тадқиқ этишларича, райҳон таркибида ифор мойлари, уткир ва безовчи ҳар хил моддалар ва кўпдан-кўп дармондорилар мужассам топган. Бу ўсимликнинг икки юзга яқин турлари бўлиб, улар баргининг шаклига ва рангига қараб навларга ажратилади. Ўзбекистонимизда ошрайҳон, садарайҳон, ҳожирайҳон, окрайҳон, қорарайҳон, тоғрайҳони, рум райҳони ва бошқа ўнлаб турлари парваришланади, уларнинг ҳар бирининг тури ва таркибида қандай шифобахш неъматлар сақлашига қараб касалликларни даволашда қўлланадиган дори-дармонлар, қайнатмалар, шарбатлар тайёрланади, атир-упаларга ишлатилади, озиқ-овқатларни муқимлаш (консервалаш)да фойдаланилади. Таниқли кимёшунос олим Қаҳҳор Ҳожиматов ихтиро қилган «райҳон» ичимлиги ҳам шифо, ҳам роҳатижон мазаси билан халқимизнинг севимли шарбатига айланган.

Авлод-аждодларимиз қадимдан райҳоннинг шифобахшлик хосиятларини билиб, табобатда кўп қўллаганлар. XV асрнинг машҳур алломаси, улуғ шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахсий табиби Юсуфий шеърий услубда райҳон давосини бундай тасвирлайди:

Юрак учун фойда райҳон уруғи,
Ичакка куч берар унинг барги ҳам.
Уйдан «доъул-фил»га суркалса агар,
Таъсир қувватини беражак ҳар дам.

Табиб Юсуфий яна ёзади:

Рум райҳонидан шарбат қилиб ичса ким,
Сўзимни эшиттил удир бериё.
Эски бавосилга фойда кўрсатар,
Ҳам ундан наф топар, бил, моҳулиё.

XVI асрда яшаб ўтган шоир табиб Ҳаким Давоий ал-Гилоний «Фавойид ал-инсон» (Инсонларга фойдалар) асарида райҳон ҳақида ёзади:

Шарбат қилиб ичса яхши наф қилар,
Ичак ярасин ҳам бартараф этар.
Қуруқ-иссиқ бўлар унинг мижози,
Юрак учун ўзи дорилар сози.
Бавосил дардига яхши нафи бор,
Иссиқ дардлар учун зараридир ёр.

XVIII асрда яшаган машҳур табиб Саййид Муҳаммад Ҳасрат «Туҳфаи Ҳусайний» (Ҳусайн туҳфаси) асарида рум райҳонига бундай деб таъриф беради:

Биринчи ўринда иссиқ бу райҳон,
Иккинчи ўринда қуруқдир ҳар он.
Юмшатар ва очар, яна мулойим
Қилиб, жило берар баданга доим.
Баданга куч-қувват беради ҳар дам,
Тандан қувар ҳосил бўлганда балғам.
Ҳидли хилтлар буткул даф бўлар ундан,
Совуқ мижозликни қувади тандан,
Қайнатма сувидан йўқолар иллат,
Асаб, бўғим оғриқ топар ҳаловат.
Тутқаноқ, хулиё учун наф этар,
Савдони қўймайин тандан даф этар.

Ҳозирги замон илмий тиббиётида райҳондан пешоб ҳайдовчи, уйқуни маромлаштирувчи, тиш оғригини қолдирувчи, турли шамоллаш касалликларига даво булувчи дорилар тайёрланади. Болғар халқ табобатида райҳоннинг қайноқ дамламаси буйрак, қовуқ, пешоб йўллари шамоллашида, тумов, томоқ оғриғи, безгак ҳуружига қарши шифобахш дори сифатида тавсия этилади.

Бунда болғарлар икки чой қошиқ райҳонни бир ёки икки стакан қайноқ (латиф меъёрли сувда(дамлашади. Шу дамламадан кўтир ва бошқа яраларни даволашда қўллашади.

Райҳонга сирка ва озроқ туз қўшиб тайёрланган қайнатма тиш оғригини тез қолдиради.

Райҳон турли таомларга маза ва яхши таъм бериш билан бирга, иштаҳани очади ва ҳазмни маромлаштиради. Кўнгил беҳузур бўлганда, димоқ бекилганда ва иштаҳа бўғилганда райҳонли чой яхши ёрдам беради, кўнгил очади.

Райҳон барглари мева-чеваларни қуритишда ишлатиладики, бу тадбир меваларни қуртлашдан, сифати айниб қолишдан сақлайди. Ёзу кузда райҳон баргчаларини йиғиб-териб елвизакга (шамол ўтиб турадиган салқин) жойда қуритиб халтачаларга солиб қўйилса қиш ойлари ва эрта баҳорларда овқатларга солишга жуда асқотади. У чиндан-да, жаннатий роҳатижон ўсимликдир. Халқимиз вафот этган одамни сўнгги йўлга кузатишда ҳам райҳон дастачаларидан фойдаланадиларки, бу ҳам ихлос ва эътиқодимиз рамзидир, бу одатимиз заминида ҳам ўзига хос ибрат ва ҳикмат бордир. Бу набототни минг бир хосиятлари билан севамизки, боғ-боғчаларимизда, ҳовли-гулзорларимизда, супаларимиз атрофида, куча-йўлкалар чеккасида турфа райҳонларни экиб ўстириб, хушбўй ифорлари уфуриб туришидан завқу шавқ, лаззату роҳат оламиз. Мен райҳон усимлигининг жамолида ўзбек халқимизнинг ҳуснини, ҳидини, хушҳулқини, уфуриб хушбўйлик таратишида ғоят саховатли қалбини кўраман.

Ҳаётимиз ва дил сўзларимиз доим райҳондек хушёқим, беғубор, севимли бўлишини тилайман!

Тўлқин РАСУЛЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Гўзаллиги — бир баҳор,
Бўйланг, дилдор ўйнасин.
Кокиллари қирқта дор —
Хумор-хумор, ўйнасин!..

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат-лавҳа.

Ранг-баранг олам

САККИЗ ЁШЛИ ТАЛАБА

Америкалик Эндрэгон Иствуд де Меллон бир ярим ойлигида сўзлай бошлаган. Икки ёшида ҳарфларни ёдлаб олган, уч ёшида эса эркин ўқиб, ёзган. У ун бир ёшида олий ўқув юрти-университетни тамомлаган.

«Ҳай болакай, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Қани, туёғингни шиқиллатиб жўнагинчи!» Саккиз ёшли Иствудни Калифорния университетининг қошидаги колледж аудиториясининг остонасига илк қадамини қўйган пайтда катта ёшдаги талабаларнинг бири шундай деб қарши олган экан. Шунда у сўз қайтармасдан, портфелини очиб, университет раҳбарларининг рухсат қоғозини кўсатган: «Мана, ўқи, агар ўқишни билсанг» деган. У университетда ўтказган кунларини эслаб шундай ёзади:

— Кириш имтиҳонларини қийналмасдан, ўйнаб-кулиб топширдим. Олий ўқув даргоҳида мен учун ҳеч қандай қийинчилик бўлмади. Энг азоби — ёлғизлик экан. Курсдаги талаба акалар мени менсимасди.

Э.Иствуднинг мақсади — астрофизикани эгаллаб коинот сирларини ўрганиш.

ДАҚИҚАДА 563 СЎЗ

Инсон қобилияти чексиз. Масалан, француз Рене Трамони икки бор рекорд қўйди. У бир дақиқада 400 сўзлан иборат текстни ҳеч тўхтамасдан ўқиб чиққан. Оғзаки нутқи ҳам тезкор: у дақиқада 563 сўзни сўзлаган. Ренининг бу қобилияти тақдирланиб, унинг номи «Гиннининг рекордлар китобига» икки марта қайд этилиб, махсус гувоҳнома берилган.

МУҲР

Монголиянинг махсус мамлакат муҳри оғирлиги беш килодан кўп. Муҳрни тайёрлаш ҳамда у сақланадиган ёғоч сандиқчани ясаш ва уни безаш учун етти килодан зиёд соф кумуш кетган.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ, АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

БУҒДОЙ СОМОНИ, ШОЛИ ПОХОЛИ СОТИБ ОЛАМИЗ

Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳолидан буғдой сомони ҳамда шоли похолини чекланмаган миқдорда сотиб олади. Уларни корхонага ташиб келтириш ҳаражатларини ҳам қўшиб ҳисоблаб, ҳар килограмм учун 3 сўмдан ҳақ тўланади. Банк орқали пул ўтказиш йўли билан, векселлар орқали ҳисоб-китоб қилинади. Буғдой сомони ёки шоли похоли топширганлар мол айирбошлаш усуслидан фойдаланиб, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — ўровқоғози, гофри (қоғоз катакли) яшиклар, муқовабоп картонлар, силикат клейи, шунингдек, пахта ёғи, ароқ-вино, лампочка ва бошқа кундалик эҳтиёж молларини олишлари ҳам мумкин.

Сомон ва похол қуйидаги манзилда қабул қилиб олинади: Ангрен, Гулбоғ посёлкаси, «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 8-266-2-24-20; 3-74-26; 3-76-03.

МУШКУЛИНГИЗ ОСОН БЎЛАДИ

Тошкентдаги ташкилотдан қуйидаги ускуналар, қурилмалар ва дастгоҳларни сотиб олсангиз, мушкулингиз осон бўлади:

— 0,8 дан 45 кВт. гача қувватли булган электродвигателлар;
— ОКСТ 67114 русумидаги гидравлик пресс;
— ВР8/2,2 русумидаги улагичсиз компрессорлар;
— Ерёнгоқ синғари маҳсулотларни қобиғидан ажратишга мўлжалланган Д-К9Ч русумидаги қурилмалар;
— 0,25 куб метр сиғимли бетон қоргичлар;
— 5 секцияли йирик ғишт (шлакоблок) қуйиш машинаси;
— ТДМ-317 ва ТДМ-503 русумидаги пайвандлаш трансформаторлари;
— Помидор халими (пастаси), қуюлтирилган ширин сут, қиём ва бошқа ноз-неъматларни тайёрлашга мўлжалланган, Россияда ишлаб чиқарилган кўп профилли қурилмалар;
— Кабелни кавшарлашга ва полиэтилен қувурларни улашга мўлжалланган мослама;
— Алюмин шиналар ва учбурчак жиҳозлар;

Ушбу ташкилот каустик сода (техник едкий натрий) ва металла прокатини вагонларда 30 кун муддатда етказиб бериш юзасидан шартнома тузади.

Бу ташкилот қуйидагиларни ўртача нархларда сотиб олади:

— Гул солинган чит;
— Икки-уч қатламли кирза (тери ўрнида ишлатиладиган резиналанган материал);
— Рулон қилиб ўралган брезент.

Телефонлар: (3712) 45-75-67; 45-75-58.
Факс: (3712) 45-75-23.

УСКУНАЛАР СОТИБ ОЛИНГ

Тошкентдаги фирма ўз омборидан қуйидагиларни сотиб олишни таклиф этади.:

— 3,7 дан 55 кВт. гача қувватли булган, уч фазали, бир маромда ишлашга мослаштирилган электродвигателлар:
— 170/40 русумли (электродвигателсиз) консоль сув насоси;
— Масофадан туриб бошқариш қурилмасининг 25 ва 50 диаметрли клапанлари (чўян);
— 30 кВт қувватли дизель электростанция;
— Каустик сода (техник едкий натрий);
— Ёғочни қайта ишлаш цехи ускуналари мажмуаси;
— Бир иш сменасида 500 килограммгача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган колбаса цехи ускуналари;
— АСБ 3х95 35 кВт русумидаги кабель;
— брезент қулқоплар;

УШБУ ФИРМА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛАДИ:

— 75 кВт қувватли электродвигателлар;
— Сувга ботиб турувчи ва консоль насослар;
— Ичакларни тўлдиришда ишлатиладиган шприцлар;
— Электр асбоб-анжомлари.

Телефон: (3712) 75-85-19

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Туркистон Ко ЛТД» масъулияти чекланган жамият тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

ТАШКИЛОТ

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-31029-051» маркали автомобилни СОТАДИ;

— Ундан 1989 йилда ишлаб чиқарилган, жорий таъмирланиб, газ ва бензинда ишлашга мослаштирилган «ГАЗ-2417» маркали автомобилни пул ўтказиш йўли билан ёки векселга сотиб олишингиз мумкин;

— Шунингдек бу ташкилот мис купоросини чекланмаган миқдорда СОТИБ ОЛАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: 67-34-19; 67-35-06. телефакс: 67-44-52.

СОАТЛАР ТАРИХИ

Энг қадимги соатни мелодий 725 йилда хитойлик усталар И. Син ва Лан Линзанлар ясашган.

Дунедаги энг катта соат Франциянинг Бове шаҳридаги Авлие Петр ибодатхонасида ўрнатилган. Фаранг соатсозлари томонидан 1865—1868 йилларда ясалган ушбу соат 90 минг дона деталдан иборат бўлиб, буйи 12,1 эни эса 6,09 метрни ташкил этган.

АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги «Интернэшнл сквер» биносида ўрнатилган 15, 54-15, 54-15, 54 метр ўлчамли соат эса ўзининг баҳайбатлиги билан кўпчиликни ҳайрон қолдирган. Бинонинг беш қаватини эгаллаган ушбу соат компьютер томонидан яратилган бу муъжизанинг оғирлиги 2 тонна бўлиб у дунеанинг турли бурчакларида жойлашган ўн иккита шаҳарлардаги вақтни аниқ кўрсатади.

Швейцариядаги «Жегер ле култ» фирмаси эса ўзининг митти қўл соатлари билан дунёга машҳур. Узунлиги 1,2 эни 0,476 сантиметрли қўл соатнинг вазни 7 граммга ҳам етмайди.

Дунедаги энг қимматбаҳо соат ҳам Швейцарияда яратилган. «Пептек Филипп» фирмасига тегишли «Калибр-89» номли 1728 та деталдан иборат бу соатни жанубий Америка мамлакатларининг бирида яшовчи бойвачча 16 миллион 4392 фунт стерингга сотиб олган.

— Болалар дунёдаги энг покиза кўнгилдардир. Ҳар гал уларни кўлга олганимда юрагим фахр-ифтихорга, гурурга тўлиб кетади. Жажжилар камолида юртимиз истиқболини кўриб, қувонаман, — дейди Янгиўл районидаги эски қовунчи қишлоғи фельдшер-доялик пункти шифокори Салимахон Тўлганова. Ширин сўзи билан хасталар дилига малҳам қўйётган бу меҳрибон аёл 18 йилдан бери эл хизматида. У кечаси кеча, кундузи кундуз демай ҳамқишлоқларида шифо улашади, хонадонлар тозалигини назорат қилади. Ҳуллас, бир лаҳза бўлсин тиниб-тинчимайди. Салимахонинг қўлидан шифо топганлар эса уни «халоскоримиз» деб олқишлашади.

СУРАТДА: шифокор жажжи қизалоқ Аҳолатхонни тиббий кўрикдан ўтказаяпти.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Наманган вилоятида «Узбекистон — ватаним маним» қўшиқлар танлови якунланди. Ғолибларни рағбатлантириш учун 100 минг сўмдан ошиқроқ пул ажратилди. Танлов ғолиблари орасида вилоятсув хўжалиги бошқармасининг «Навбаҳор» қўшиқ ва рақс гуруҳи хонандаси Розия Ҳамидова, Турақўрғон тумани маданият уйи хонандалари Машраббой Боқиҳонов ва Турсунбой Эргашев, Наманган муаллифлар тайёрлаш билим юртининг жур булиб қуйловчи қизлари бор. Танловнинг сўнгги босқичида эллиқдан ортиқ қўшиқлар янгради. Бундан олдин туманларда муаллифлар ва ижрочиларнинг беллашувлари бўлиб ўтди.

Ғолиблар эҳтиёт республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги олдидан Тошкентда буладиган республика танловида ўз санъатларини намойиш этади.

(ЎзА).

Тайёрлов курсларига марҳамат

Тошкент Давлат аграр Университети 1995-96 ўқув йилида Узбекистон Республикасининг ҳамма ўқув юртларига тест синовлари асосида кириш учун 1996 йил 1 июндан бошлаб 2 ойлик ва 1 июлдан — 1 ойлик кундузги пуллик тайёрлов курсига тингловчиларни қабул қилади.

Аграр университетнинг пуллик тайёрлов курси Узбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларига кириш учун қуйидаги фанлар: математика, физика,химия, биология, ўзбек тили, чет тили бўйича тест синовлари орқали имтиҳон топширишга тайёрлайди.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Университетда овқатланиш, даволаниш ва ўқиш учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Ҳужжатлар икки ойлик курс учун 1996 йилининг 31 майгача, бир ойлик курс учун 29 июнгача қабул қилинади.

Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт:

1. Ректор номига ариза.
2. Урта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестатнинг асл нусхаси.
3. 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ўлчамли 4 дона фотосурат.

Тайёрлов курсида ўқитиш университет илмий кенгашида тасдиқланган Низом асосида амалга оширилиб, машғулотлар университетнинг малакали ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент-700140, ТошДАУ (19, 83, 96, 115, 129, 165, 167, 491 — автобуслар ва 15, 29, 49, 53 маршрут «Тошкент Давлат аграр университети» бекати).

Маълумот учун телефон: 63-75-07

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙЛАР: «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0185, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30 Нусхаси 15881.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.